

**Ўзбекистонда демократик,
фуқаролик жамияти
асосларининг шаклланиши,
амалга оширилган сиёсий
ислоҳотлар**

РЕЖА:

1. Миллий давлат бошқаруви тизими. Мустақил Ўзбекистонда ҳокимиятлар бўлиниши принципи.
2. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва унинг аҳамияти. Сиёсий партиялар фаолиятидаги хусусиятлар.
3. Ўзбекистонда парламент тизими ва ундаги ислохотлар.
4. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уларнинг сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий жараёнлардаги иштироки.
5. Ижтимоий-шерикчилик. Ўз-ўзини бошқарув органларининг фаолияти ва уларнинг жамиятни демократлаштиришдаги ўрни. Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.
6. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш.


Фуқаролик жамияти — ҳақиқий фуқаролардан, яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятга таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамиятдир. Фуқаролик жамияти - конституциявий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ ва демократияга асосланган ижтимоий ҳаётнинг зарур оқилона усули; инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шакллари эркин танлаш кафолатладиган, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари қарор топадиган, кўп партиявийлик, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминладиган ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органларининг мавқеи баланд бўлган ижтимоий тузум. Бунда мамлакатнинг ҳар бир фуқароси сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини жамоат бирлашмалари ва фондлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва нодавлат ноижорат ташкилотлар ишида фаол иштирок этиб, улар орқали қондирадilar. Фуқаролик жамиятида фуқаролар давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатадилар, давлатнинг кўпгина ваколатлари жамоат ташкилотлари зиммасига юкланади. Давлат ҳокимияти эса мамлакатнинг умумий тараққиёт режаларини тузади, унинг стратегиясини ишлаб чиқади, мудофаа, миллий хавфсизлик, давлат мустақиллиги ва чегаралари дахлсизлигини, унинг суверенитетини таъминлаш, пул-молия, солиқ, банк сиёсати, ташқи сиёсат ва жаҳон ҳамжамияти билан алоқалар тизимини яратади, уни бошқаради. Фуқаролик жамиятини қуриш кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш орқали рўй беради.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим омиллари:

- 1) иқтисодий эркинлик, мулк шаклларининг ранг-баранглиги, бозор муносабатлари;
- 2) инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз эътироф этиш ва ҳимоя қилиш;
- 3) ҳокимиятнинг қонунийлиги ва демократик хусусияти;
- 4) қонун ва одил суд олдида ҳамманинг тенглиги, ҳар бир шахснинг юридик жиҳатдан ишончли ҳимояланганлиги;
- 5) ҳокимиятнинг учга бўлиниши ва ҳокимиятларнинг ўзаро алоқаси принципига асосланган ҳуқуқий давлат;
- 6) сиёсий ва мафкуравий плюрализм, конструктив муҳолифатнинг мавжудлиги;
- 7) сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги;
- 8) фуқароларнинг шахсий ҳаётига давлатнинг аралашмаслиги, уларнинг ўзаро мажбуриятлари ва бурчлари;
- 9) синфий ва миллий тотувлик, ижтимоий шерикчилик;
- 10) одамларнинг муносиб турмуш даражасини таъминловчи самарали

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси олий давлат ҳокимияти тизими







- **Парламент** - ингл. parliament, франц. parlerга пирмоқ ва сўзламоқ; парламент олий қонун чиқарувчи вакиллик органи ҳисобланади.

- **Парламентдаги кўпчилик**—Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси.

- **Парламентдаги мухолифат**—янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи.



Эслатма: 2004 йилгача Ўзбекистонда 1 палатали парламентда 250 депутат фаолият юритган. 2005 йил январидан 2 палатали парламент фаолият юритмоқда.

- Давлат бошқарувини демократлаштириш ва янгилаш ҳамда эркинлаштириш шароитида Президент ваколати муддатини ўзгартирилиши ва унинг айрим ваколатларини Сенат ва Бош вазирга ўтказилиши, икки палатали парламент барпо этилиши ўз-ўзидан сайлов тўғрисидаги қонунларнинг ўзгаришига олиб келди. **Шу боис 2003 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди. Шундай қилиб, икки палатали парламентга сайловлар учун зарур норматив-ҳуқуқий база амалда яратилди. Унда сайлов ҳуқуқининг халқаро стандартлари ва сайлов тизимларини ривожлантириш тажрибаси, шунингдек мамлакатда парламентаризм тараққиётининг миллий хусусиятлари эътиборга олинди.**

- **Маълумки, мамлакатимизда парламент ислохотларининг дастлабки босқичлари уч даврни ўз ичига олади. Биринчи давр: 1991-1994 йиллар, иккинчи давр: 1995-2004 йиллар ва учинчи давр: 2005 йилдан ҳозирги пайтгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу даврлар давомида амалга оширилган парламент ислохотлари юртимизда рўй бераётган сиёсий модернизация жараёнларининг етакчи йўналишини ташкил қилди.**



- Нима учун парламент ислохотлари мамлакатимизда сиёсий ислохотларнинг асосий бўғинига айланди? Биринчидан, парламентнинг қонунчилик вазифаси шахс, жамият ва давлат фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш имконини беради. Иккинчидан, парламент давлат ҳокимияти институтлари тизимида сайлаб қўйиладиган асосий вакиллик органи саналади. Бу эса унинг фуқаролар учун очик ва демократик табиатини белгилаб беради. Учинчидан, парламент ўзининг таъсири, ваколатлари нуқтаи назаридан ҳокимият шохобчалари орасида муҳим аҳамият касб этади.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби (таклиф)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти тақдим этилган Бош
вазир лавозимига номзодни кўриб
чиққанидан кейин ўн кун муддат
ичида уни Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси
палаталарининг

Таклиф этади

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ

Сайловларда энг кўп
депутатлик ўрнини олган
сиёсий партия ёки тенг
миқдордаги депутатлик
ўринларини қўлга
киритган бир неча
сиёсий партиялар

Кўриб чиқиши ва
тасдиқлаши учун
таклиф этади

ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ

Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутатлари ва Сенати
аъзолари умумий сонининг
ярмидан кўпи томонидан
овоз берилган тақдирда
тасдиқланган ҳисобланади



- **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади»-дейилган. Бу вазифани бажарувчи вакиллик органи парламент деб ҳам юритилади;**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига таклиф

Мамлакатнинг амалдаги
Президенти
ўз вазифаларини бажара
олмайдиган ҳолатларда

унинг вазифа ва ваколатлари
вақтинча Ўзбекистон
Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Раисининг зиммасига
юклатилади

бунда уч ой муддат ичида,
“Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови
тўғрисида”ги Қонунга
тўлиқ мувофиқ ҳолда
мамлакат Президенти
сайлови ўтказилади.

- Янги сайлов қонунчилиги амалиётда 1994 йилда кўппартиялилик асосида ўтказилган парламент сайловларида синаб кўрилди. Унинг натижасида биринчи чақириқ Олий Мажлис учта сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари, ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган номзодлар асосида сайланган депутатлардан шаклланди. Шу асосда, конституциявий-ҳуқуқий механизмлар орқали ягона партиянинг —еткачилик ролига асосланувчи —шўро сиёсий тизимидан демократик шаклланган, кўппартиявийликка таянадиган миллий парламент вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови якунлари:

жами 150 нафар депутат сайланди.

Шу жумладан:

1	• Ўзбекистон Либерал демократик партиядан -	53 нафар
2	• Ўзбекистон Халқ демократик партиядан -	32 нафар
3	• Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиядан -	31 нафар
4	• Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиядан -	19 нафар
5	• Ўзбекистон экологик партиеси –	15 нафар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови якунлари:

- сайланган 150 нафар депутатнинг 33 нафари (22%)ни хотин-қизлар ташкил этади;

- Сенат аъзоларининг 15 нафари (15%) ни хотин-қизлар ташкил этади;

- сайланган депутатларнинг 47 нафари (31,3%) илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган;

иккинчи тур сайловлардан ўтишга мажбур бўлганлар улуши:

1 • Қонунчилик палатасига

30 фоизга яқин;

2 • маҳаллий кенгашларга

20 фоиздан кўпроқ.

- сайлов жараёнлари ёритиб борилган оммавий ахборот воситалари сони:

1) мамлакатимизда

500 дан ортиқ;

2) хорижий мамлакатлардан

200 дан ортиқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: сайловлар тегишли органларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисига
сайловлар

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
сайлови

Халқ депутатлари вилоят,
туман ва шаҳар
Кенгашларига
сайловлар

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисига сайловлар
тўғрисидаги қонун

Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови
тўғрисидаги қонун

Ўзбекистон Республикаси
Халқ депутатлари вилоят, туман
ва шаҳар Кенгашларига сайлов
тўғрисидаги қонун

Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари
тўғрисидаги қонун

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссияси тўғрисидаги қонун

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги
қонун

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси



**Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси**



Олий Мажлис Сенати

Парламентнинг қуйи палатасига умумий депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этадиган 33 нафар хотин – қиз депутат этилиб сайланиш имконини берди.

Сенат аъзоси этиб сайланганларнинг 15 фоизи аёллардир. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фаолият кўрсатаётган аёллар эса бугунги кунда жами депутатлар сонининг 20 фоизидан ортиғини ташкил этади.

Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

Парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолияти кучайтирилди. Ҳозирги кунда Конституцияга мувофиқ, парламент Бош вазирни тасдиқлайди. Лекин вазирларни лавозимга қўйишда қатнашмайди.

Шунинг учун Ҳукумат аъзолари парламент олдида масъулиятни етарли даражада ҳис этаётгани йўқ. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиёти киритилди.

Давлат бюджети бошқармасини ташкил этиш

Парламент назоратининг таъсирчан шаклларида бири бўлган Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини кўриб чиқишга алоҳида аҳамият беришимиз зарур. Бу ишни юқори профессионал даражада йўлга қўйиш учун **Олий Мажлис қошида Давлат бюджети бошқармаси ташкил этилди.**

Ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислохотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўлланмоқда.

**Давлат бошқарувини ҳаддан ташқари
марказлаштиришдан воз кечиш зарур. Бунинг учун
кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан
ҳудудий органларга ўтказиш керак. Шунинг учун
жойларда – туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликларида
инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича ҳоким
ўринбосарлари лавозими жорий этилди.**

Истиқболдаги долзарб вазифалардан бири –
ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга
масъул бўлган раҳбарларни танлаш ва жой-жойига
қўйиш бўйича ваколатларни туман ва шаҳар
ҳокимларига тўлиқ ўтказишдан иборат.
Ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти
раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-
алоҳида ажратиб қўйиш лозим.

Халқ ноиблари ваколатлари

Кейинги пайтда юртимизда халқ депутатлари Кенгашларининг роли, халқ ноибларининг ваколатлари тубдан оширилди. Сиёсий партияларнинг маҳаллий ҳокимият идораларини шакллантириш борасидаги ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди, депутатлик назорати эса мустаҳкамланди. Бироқ, очиқ тан олишимиз лозим, ҳокимларнинг ҳам маҳаллий Кенгашларга, ҳам ижро ҳокимиятига раҳбарлик қилиши демократик принципларга мос келади, деб бўлмайди.

Ҳокимларнинг ахборот бериш масаласи

Айни вақтда фармонлар, қарорлар, концепция ва стратегияларда белгиланган индикаторлар ва мақсадли параметрларнинг ижроси бўйича ҳокимлар ўз ҳудудларидаги оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликка мунтазам ахборот бериб боришлари керак бўлади.

Ҳокимларнинг функцияларни мувофиқлаштириш

Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳокимликларнинг 300 га яқин вазифа ва функциялари назарда тутилган. Шундан 175 таси, мазмун-моҳиятига кўра, ҳокимларнинг асосий вазифалари тоифасига кирмайди ва турли идораларнинг функцияларини такрорлайди. Бу эса, иш сифати ва ижро интизомига салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда биз, илгаригидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин ва холис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда биз, илгаригидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин ва холис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди. Жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим.

Оммавий ахборот воситаларининг роли

Жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустақамлашда **оммавий ахборот воситалари** муҳим ва таъсирчан омил ҳисобланади. Бу борада чинакам профессионал замонавий журналистикани шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини, ахборот ва таҳлилий Интернет сайтларни молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш, бунинг учун алоҳида давлат фондини тузиш мақсадга мувофиқ.

Давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш зарур.

Бошқарув тизими сифатини оширишда “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган таклифларини бериб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади.


Мамлакат ва ҳудудлар даражасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиб, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни кўпайтиришимиз керак. Вазирлик ва идоралар ҳам бир четда томошабин бўлиб ўтирмасдан, бундай ижтимоий ҳамкорлик ишларини кенгайтириши лозим. Шунинг учун Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг фаолиятини такомиллаштириш даркор.

Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадини тақсимлаш, нафақа олувчиларни адолатли белгилаш, ижро органлари раҳбарлари ишига баҳо бериш бундан буён Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили асосида амалга оширилади.

Ҳар бир депутат Халқ қабулхоналари билан доимий ишлаб, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши керак.

Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин.

“Электрон ҳукумат” тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарур.



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор
ривожланиш мақсадларини бажаришда парламент, ҳукумат
ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий
ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бу масала бўйича мунтазам
равишда парламент ва жамоатчилик эшитувларини ташкил
этиш лозим.

Ижтимоий шерикчилик

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида” ги қабул қилинди ва мазкур қонунга кўра **Ижтимоий шерикчилик** – давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонунларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги

Инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш

2020 йилда Ўзбекистон президенти «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

Фармонга асосан **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси**, унинг «Йўл харитаси» ҳамда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ҳамда шартномавий қўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.